

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАРАХИМОВ БАХТИЁР ХОШИМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ МАДАНИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ - ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон - 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophical Sciences**

Мирзарахимов Бахтиёр Хошимович

Ўзбекистонда туризм маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-
фалсафий омиллари..... 3

Мирзарахимов Бахтиёр Хашимович

Социально-философские факторы развития культуры туризма в
Узбекистане 23

Mirzarakhimov Bakhtiyor Khoshimovich

The social-philosophical factors of developing of tourism culture in
Uzbekistan 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАРАХИМОВ БАХТИЁР ХОШИМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ МАДАНИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манускрипти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/FaD93 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида баҳарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Арзиматова Иноятхон Мадимаровна фалсафа фанлари номзода, доцент
Расмий оппонентлари:	Шарипова Эркайям Котуевна фалсафа фанлари доктори, профессор Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.FaI.60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» «08» соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: argu_info@oda.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (930) рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30)

Диссертация автореферати 2021 йил «28» «07» куни тарқатилди.
(2021 йил «28» «07» даги «4» - рақамли реестр баённомаси)



Ф.Х.Юлдашева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, фалсафа фанлари
доктори, доцент

А.А.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий
илмий котиби, фалсафа
фанлари бўйича фалсафа доктори

Т.А.Артиков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қўшидаги илмий семинар
раиси, фалсафа фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги глобал ўзгаришлар туризмнинг маърифий-маданий асосларини ривожлантириш, туризм фаолиятининг ижтимоий тараққиётга таъсирини ўрганиш аҳамиятини оширмоқда. Шу боис туризмни ривожлантиришдан асосий мақсад иқтисодий тараққиёт, халқаро ҳамжиҳатлик, тинчликни таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар қандай чекловларсиз ҳурмат қилинишига ҳисса қўшиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунда туризм тараққиётининг ижтимоий-маданий асослари, ижтимоий функциялари, турист хулқ-атвори каби туризм маданиятининг муҳим категорияларини фалсафий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг илмий тадқиқот институтлари ва марказларида туризм ва туризм маданиятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсирини ўрганиш, шунингдек мамлакатлараро кўпайиб бораётган туристлар оқими нафақат иқтисодий ҳодиса, балки ижтимоий ривожланиш омили эканлигига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирда туризм маданиятига оид ижтимоий-маданий ва глобал муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиниши, туризм маданиятининг туризм сифатига ижобий ва салбий таъсири бўйича илмий изланишлар олиб борилиши давр талабига айланмоқда. Бу эса, туризмни ижтимоий-маданий таҳлил қилиш, туризм маданиятини ривожлантириш соҳасига оид тадқиқотларга бўлган заруратни кучайтирмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда туризмни ривожлантириш, бу жараёнда хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини жаҳон андозалари ва талаблари даражасига кўтаришга эҳтиёж ортмоқда. «Туризм индустрияси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида мамлакатлар ва халқларни яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди»¹. Бу эса ижтимоий, маданий-ривожлантирувчи, экологик, этномаданий ҳамда қишлоқ туризми дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, туризм соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган стандартлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – Б. 267.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари»нинг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий омилларини юксалтиришга оид концептуал ғоялар Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг¹, шунингдек Президент Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида² очиб берилган. Ҳозирда «Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади»³, шу нуқтаи назардан туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Марказий Осиё алломалари ижодида асосан сафар одоби ва унинг ижтимоий-маънавий, эстетик моҳияти ва мазмуни билан боғлиқ масалалар тўғрисида фикр юритилган. Хусусан Абу Али Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида сафар қилувчилар тадбири⁴ ҳақида, Фитрат⁵ жуғрофия илмининг ривож ва тараққиётга тўхталган бўлса, Абдулла Авлоний⁶ ҳам сафарга оид фикр билдирган, Ҳусайн Воиз Кошифий эса «Агар нима мақсад учун сафарга чиқилади, деб сўрасалар, сўфийлар уч нарса учун сафар қиладилар», дейди. Улардан бири «улуғ авлиёларни зиёрат қилиш учун бориш»⁷, деган ғояни илгари суради. Бу эса туризм маданиятининг ривожланиши зиёрат туризми билан узвий алоқадор эканлигини англатади. Шунингдек, бу фикр ҳозирги даврда туризм маданиятини ривожлантиришни такомиллаштириш учун илмий-назорий асосдир.

Туризм маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий омилларига оид илмий тадқиқотларда мамлакатимиз файласуф олимлари томонидан унинг баъзи жиҳатлари тадқиқ этилган. Масалан, Ж.Я.Яхшиликов томонидан миллий туризмга тизимли ёндашув асослари ўрганилган⁸.

¹Каримов И. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2015.

²Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 592.; Шу муаллиф: Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 508.; Шу муаллиф: Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 400.; Шу муаллиф: Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент. Ўзбекистон, 2020. – Б. 456.

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //24.01.2020.<http://uza.uz>.

⁴Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1-жилд. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 118-122.

⁵Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар: 5 жилд. – Тошкент.: Маънавият, 2010. – Б. 101.

⁶Абдулла Авлоний., Танланган асарлар: 2 жилд. – Тошкент.: Маънавият, 206. – Б. 228

⁷Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний». – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 62.

⁸Яхшиликов Ж.Я. Ўзбекистонда миллий туризмга тизимли ёндашувнинг ижтимоий-фалсафий масалалари // Фалсафа ва ҳаёт журнали. – 2020. – №1. Махсус сон. – Б. 150.

А.А.Эштаев¹ ва А.А.Қамбаровлар² Ўзбекистонда туризм соҳасининг ижтимоий-иқтисодий омилларининг педагогик аҳамиятини, А.Музаффаров³ ўзининг докторлик диссертациясида туризм – маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш омили эканлигини илмий тадқиқот ишларида асослаган.

Хорижлик олимлар В.Квартальнов, М.Энърайт, М.Портер⁴ илмий асарларида туристик хизмат бозори ривожланишининг умумий жиҳатлари ўрганилган. М.А.Жукова, В.И.Никифоров, В.С.Новиковлар туризм бозори жиҳатларини⁵ асослаган. Мазкур тадқиқотлар туризм кўпқиррали жараён эканлигидан далолат беради. Хусусан, А.С.Гализдра, С.В.Дусенко, О.Ю.Голомидова⁶ каби олимларнинг илмий ишларида туризм феноменининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказлари «Жаҳон сайёҳлик ташкилоти»⁷, «Халқаро туризм илмий тадқиқотлар институти»да⁸ туризмни ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқот институтларининг туризм жараёнлари диалектикасига оид илмий ишларининг таҳлили, уларда туризм маданиятининг ижтимоий роли алоҳида предмет сифатида ўрганилганлигидан далолат беради. Бироқ бу илмий тадқиқот ишларида жамият тараққиётида туризм маданиятининг ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилмаганлиги боис ушбу диссертация Ўзбекистонда туризм маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий омиллари аҳамиятини асослашга қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01-1-345 «Маданият фалсафаси ва унинг ҳозирги замон ижтимоий тараққиётидаги ўрни» мавзуси доирасида бажарилган(2017-2019 й.й.)

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда туризм маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«туризм маданияти» тушунчаси, туризм маданиятининг компонентлари:

¹Эштаев А. А. Рузibaев О. М. Роль спроса и предложений на рынке туристских услуг в Узбекистане в условиях модернизации экономики //Экономика и бизнес: теория и практика. – 2016. – С. 6-8.

²Қамбаров А.А. Зиёратнома. Монография. Фарғона 2019 Б. 25-30.

³Музаффаров А.М. Туризм – маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш омили. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 19.

⁴Квартальнов В.А. Туризм. Учебник. – М.: Финансы и статистика, М: 2003. – С. 120. Энрайт Д. М. и др. Система и способ приема депозитов в банке, выдающем наличные. – 2007. Porter M. Competition Moscow: Publishing House Williams. – 2001. -Р. 207.

⁵Жукова М.А. Индустрия туризма. Менеджмент организации. Финансы и статистика, 2014.; Биржаков М.Б., Никифоров В.И. Индустрия туризма: перевозки. – 2007.; Новиков В.С. Инновации в туризме. – 2007.

⁶Гализдра А.С., Феномен туризма: социально-философский анализ. Автореферат. Саратов - 2006. С. 50. С.В.Дусенко Социология туризма: социально-культурный аспект. Москва., 2006. – С. 18-20. Голомидова О.Ю. Туризм как феномен городской культуры. Диссертация на соискание ученой степени кандидата культурологии. Екатеринбург, 2019. – С. 120.

⁷Global code of ethics for tourism. <https://www.unwto.org/ethics-culture-and-social-responsibility>

⁸Tourism human capital development. <https://www.unwto.org/UNWTO-academy>.

туристик саводхонлик, туристик салоҳият, туристик фаолликнинг ижтимоий-фалсафий (аксиологик, гносеологик, акмеологик, эстетик) жиҳатларини асослаш;

Ўзбек туризм маданияти контекстида «туристик ресурс», «туристик макон», «туристик анъаналар», «сайёҳлик одоби» тушунчаларини фалсафий таҳлил этиш ва илмий муомалага киритиш;

туризм соҳасидаги ислохотлар, туризм этикасини ривожлантириш ва маданиятлараро мулоқотни ўзбек туризм маданиятини юксалтиришнинг омиллари сифатида илмий тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда туризм маданиятини ривожлантириш истиқболлари, ўзбек туризмнинг миллий-ментал хусусиятлари ва инновацион механизмлар уйғунлигини таъминлаш маданиятлараро мулоқотнинг муҳим воситаси эканлигини фалсафий жиҳатдан очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатимизда туризм маданиятини ривожлантириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда туризм маданиятининг тараққиётига таъсир этувчи ижтимоий-фалсафий омиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, тизимли ёндашув, диалектик, тарихийлик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«туризм маданияти» тушунчасининг фалсафий асослари (туристик онг, муносабат ва фаолият) ва туризм маданиятининг компонентлари (туристик саводхонлик, қизиқиш, фаоллик) нинг синтезлашуви асосида туризмга аксиологик баҳо, гносеологик тафаккур, акмеологик фаоллик, эстетик эҳтиёж каби праксиологик муносабатларнинг шаклланиши асосланган;

ўзбек туризм маданиятининг янги ривожланиш босқичидаги хусусиятлари (миллий туристик анъаналар, сайёҳлик маданияти) нинг пайдо бўлиш генезиси, диалектик шаклланиш босқичлари ва прогрессив туристик қадриятларнинг ривожланишини очиб бериш орқали туризм соҳасини такомиллаштириш истиқболлари аниқланган;

ўзбек туризм маданиятини юксалтириш жараёнида «миллий туризм мулоқоти ва маданиятини»ни ишлаб чиқиш асосида миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва дўстона мулоқотни намоён қилиш этикети, миллий туристик мулоқот қоидалари исботланган;

ўзбек туризмнинг дунёвийлик ва динийлик контекстида миллий-ментал хусусиятлари ва туризм соҳасидаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш каби инновацион жараёнлар алоқадорлигини таъминлаш, мамлакатнинг туристик салоҳиятини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асоси эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туризм маданиятини ижтимоий қадриятга айлантиришнинг долзарблиги, унинг аксиологик мезонлари аҳоли орасида тарғиб этилган ва бу жараённинг натижалари соҳага мутасадди ташкилот ҳамда муассасалар услубчиларига йўриқнома ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида туризм маданиятини юксалтиришнинг долзарблиги ва аҳамияти, бу соҳада мавжуд ижтимоий-маънавий имкониятлардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда туризм маданиятини ривожлантириш, ундан жамият кундалик ва илмий фаолиятида фойдаланишнинг ўрнини аниқлашга оид илмий тадқиқотлар олиб боришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» фаолиятида, мамлакатда мавжуд туроператорлик хизматларида, шунингдек олий таълим тизимининг туризмга оид услубий тавсияларини ишлаб чиқишда намоён бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда туризм маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий омилларига оид олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари:

«туризм маданияти» тушунчасининг фалсафий асослари (туристик онг, муносабат ва фаолият) ва туризм маданиятининг компонентлари (туристик саводхонлик, қизиқиш, фаоллик)нинг синтезлашуви асосида туризмга праксиологик муносабат (аксиологик баҳо, гносеологик тафаккур, акмеологик фаоллик, эстетик эҳтиёж)нинг шаклланишига оид илмий-назарий хулосаларидан Фарғона давлат университетининг «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида чоп этилган «Баркамол инсонни тарбиялаш давр талаби» номли ўқув-услубий қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3260-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг туризм маданиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини кучайтириш ҳамда бу борадаги устувор йўналишларини белгилашга хизмат қилган;

Ўзбек туризм маданиятининг янги ривожланиш босқичида «миллий туристик анъаналар» ва «сайёҳлик маданияти» тушунчаларининг генезиси, шаклланиш босқичлари ва ментал хусусиятларини очиб бериш орқали туризм соҳасининг ривожланиш истиқболлари илмий тадқиқотга оид маълумотларидан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Коцепциясининг 3-боби «Туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» бўйича вазифаларни белгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 02-16/3029-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек туризм маданиятини глобал туризмнинг янги турлари билан

уйғун ривожлантиришга ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг режаларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбек туризм маданиятини юксалтириш жараёнида «миллий туризм мулоқоти ва маданияти»ни ишлаб чиқиш асосида миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва дўстона мулоқотни намоён қилиш этикетини яратиш, инновацион жараёнлар уйғунлигини таъминлашга оид маълумотларидан Маданий мерос департаменти Фарғона вилояти бошқармасининг 2020 йил 6 январда тасдиқланган йиллик иш режасининг III.9-бандида белгиланган Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги Маданий мерос департаментининг 2020 йил 1 июлдаги 01-02-ф.ж/364-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда туристик объектларни илмий ўрганиш, улар ҳақида кенг аҳолига тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш орқали халқимизнинг туризм маданиятини ривожлантириш бўйича методологик манба ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та республика, 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Туризм маданиятини ўрганишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида туризмнинг фаолият сифатида турли ижтимоий-иқтисодий фанлар томонидан ўрганилиши бу тушунчани ижтимоий-фалсафий тушуниш, уни яхлит ижтимоий феномен сифатида ўрганиш, талқин қилиш имконини бериши ҳақида сўз боради. Сайёҳликни ижтимоий ҳодиса сифатида тушуниш унинг ҳар бир тарихий даврда конкрет мазмунга эга бўлиши ва ўзгарувчан характерини тўғри англаш туризм маданиятини шакллантиришнинг омиллари асосланган.

Туризм маданияти тушунчасининг назарий-методологик тадқиқи унинг икки мустақил тушунча, «туризм» ҳамда «маданият»нинг ўзаро синтезидан иборат ҳолда тадқиқ қилишни тақозо этади. Туризм ўз моҳиятига кўра, (саёҳат) пиёда ва уловларда юриш, диққатга сазовор жойларда сайр қилиш, хушманзара жойларни тамоша қилиш ва оромгоҳларда дам олиш, соф ҳаво, қуёш нурлари ва зилол сувларда чиниқиш демакдир. Табиийки, бундай ижтимоий-маданий ва тарбиявий жараёнларда атроф-муҳитни ўрганиш, маълум мақсадлар йўлида қўйилган вазифаларни бажариш, турли тоифадаги инсонлар билан мулоқотда бўлиш билан амалга оширилади. Бу эса унинг ижтимоий-маданий аҳамиятга молик феномен эканлигидан далолат беради. Маданият эса (араб. мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрган) – табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. Маданият алоҳида индивиднинг ҳаёт фаолияти (шахсий маданият), ижтимоий гуруҳнинг ёки жамиятнинг ҳаёт фаолияти усулини акс эттиради. Ижтимоий муносабатлардаги ҳар қандай ўзгариш маданиятга таъсир этади ва маданият бу муносабатларнинг қандай натижаларга олиб келишидан хабар беради. Шу боисдан маданият нафақат ўтмишга ёки бугунга, шу билан бирга келажакка муносабатдир.

Туризм маданиятида ижтимоий тузум, оммавий ахборот воситалари, янги технологияларнинг ривожланиши, бўш вақтнинг мазмуни, ҳаракатчанлик, амалиёт, фаолият билан изоҳланадиган тушунчадир. Бундан ташқари туризм жамиятда шахснинг ички ривожланиш омиллари ва шахслараро ўзаро таъсир, маданиятлараро мулоқот ва мураккаб иқтисодий ва социомаданий феномендир¹. Туризмнинг айнан шу хусусиятлари моддий ва маънавий бойликларнинг мазмунан ўзга халқ вакиллари томонидан англанишини таъминловчи интеллектуал-эмоционал фаолиятга айлантирди. Шу нуқтаи назардан туризмни «Китобхонликни ривожлантириш стратегияси» омили эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Фикримизча, ушбу соҳа шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос маданий хусусиятларини инобатга олиш зарур. Бу хусусиятлар туризм ва унинг маданий фаолият шакли сифатидаги ўзига хослиги бир қатор сабабларга кўра вужудга келиб, уларнинг энг асосийси ижтимоий-маданий воқеликнинг ривожланиш тенденциялари билан изоҳланади. Ижтимоий-маданий жараёнлар тарихий тараққиёт давомида ўзгариб боради, шу асосда туризмни вужудга келтиради. Ибтидоий жамоа тузуми давридаги қадимги одамларнинг кўчманчилиги ҳам бу ҳодисанинг илк куртаклари дейиш мумкин. Европадаги «Уйғониш даври» илмий саёҳатлари, буюк географик кашфиётлар шаклланиб бугунги кунда глобал туризм босқичига ўтмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам туризмни маданият нуқтаи назаридан таҳлил этиш ва соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш фалсафий тадқиқотлар олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

¹Музаффаров М. Туризм – маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш омили. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 19.

Бугунги кунда туризм – саёҳат ижтимоий-тарбиявий хусусиятларга эга бўлган назарий ҳамда амалий фаолиятдир. Туризм ижтимоий тузумлар (формация) билан боғлиқ бўлган ўз тарихи ҳамда ривожланиш жараёнларига эга ҳамда турли кўринишларда намоён бўлувчи фаолият туридир. Туризм умумий маънода сайр-саёҳатлар, саргузаштлар кўриниши билан характерланади ҳамда ижтимоий-турмуш ва меҳнат жараёнларида намоён бўлади. Таниқли инглиз социологи Ж.Урри туризм соҳасини ижтимоий дастур сифатида, «дунёни билишнинг замонавий усули» сифатида талқин этган¹. Шу сабабли туризм маданиятининг ривожланганлиги ўзгариб бораётган ижтимоий-маданий жараёнлар характерини ўзида ифода этади. Туризм маданиятининг намоён бўлиши, унинг глобаллашув жараёнларини жадаллаштириши ва инсоннинг реал ахборот олиш фаолиятига таъсир этиши ҳамда шахснинг фаол турмуш тарзи сифатини ошириш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-фалсафий тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилиши мумкин.

Инсон дунёқарашининг ўзгариши саёҳат туфайли бўлиб, турли маданий-интеллектуал жараёнларни вужудга келтиради. Ўрта аср мусулмон маданиятига оид адабиётларда ислом дини урф-одатлари асосида ёзиб қолдирилган сайёҳликка оид назариялар бугунги кун талабларига ҳам мос келади. Бу борада Абу Ҳомид Ғаззолий қуйидагича фикрларни баён этади: «Аввалги сафар – илм талабида сафар қилмоқ. Бу сафар фарздир. Чунончи, илм ўрганмак фарз ва суннатдир. Бас, илм талабида сафар қилмоқ уч тариқадур. Аввалги тариқа-илм ўрганмакдир. Хабарда келубдур, киши уйдан илм ўрганмак талабида чиқса, то уйга келгунча илм талабида юрган бўлур. Хабарда келубдурки, толибул-илмнинг йўлига фаришталар қанотларини ёйиб турарлар»². Ўрта асрда яшаган алломаларимиз фикрларидан кўринадики, маданиятга оид қонун-қоидалар замонавий туризм учун умумийлик хусусиятига эга. Мақсадга йўналтирилганлик, эстетик-ҳиссий характер ва когнитивлик каби белгиларнинг умумий бирлигини ҳисобга олиш туризмни ғносеологик феноменга айлантиради.

Ижтимоий тараққиётда туризм қадриятга айланадиган маданий ҳамда маънавий эҳтиёжни қондирувчи эстетик тарбиянинг воситаси ҳисобланади. Туризм маданияти воқелик ва эволюциянинг интегратив ҳодисаси сифатида ижтимоий-маданий шарт-шароитлар таъсирида, саноатлашган жамиятнинг юксалиши билан шаклланди. Шубҳасиз, саёҳат одоби мақсадларининг маданий жиҳатлари ва унинг юқори шакли бўлган туризм маданияти тарихи чуқур илдизларга эга бўлиб, инсоният цивилизациясининг асосий босқичлари билан боғлиқ. Шу боис XX асрда туризм, туристик оқимларнинг кўлами, туристик ҳаракатларнинг таъсири жамият маданий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсата олди.

Туризм маданияти ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида XX асрда дунёга ўзини намоён қила бошлади. Файласуф олим Х.Ортега-и-Гассет туризм

¹Urry J. The Tourist Gaze: Leisure and Travel in Contemporary Societies. – London: Sage, 1990. – P. 2.

²Абу Ҳомид Ғаззолий «Кимёи саодат» (Рух ҳақиқати). – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 196.

маданиятининг XX асрдаги аҳамиятини ижтимоий-маданий феномен сифатида олдинги даврларга хос бўлмаган тарихий жараён сифатида акс эттиради¹, деб қайд этган. Ушбу файласуф тарихий тараққиётнинг яққол белгиси бўлган сиёсий майдонга кирган одамларнинг кўчиб юриши борасида тадқиқотлар олиб бориб, XIX асрда мисли кўрилмаган ривожланиш одамларга фаровонлик ва муқобил ўсишни рағбатлантирди, бу одамларга қулайлик ҳиссини берди, бошқаларга нисбатан жавобгарлик ҳиссини камайтирди ва жамоат ахлоқининг анъанавий нормаларини ўзгартирди, деган хулосага келади.

Туризм серқирра фаолият сифатида турли ижтимоий-иқтисодий фанлар томонидан ўрганилади. Шу сабабли бу тушунчани ижтимоий-фалсафий тушуниш уни яхлит ижтимоий феномен сифатида ўрганиш, талқин қилиш имконини беради. Лекин туризм бугунги кунда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Туризм категорияларининг илмий-назарий асосларига оид М.Алимованинг илмий тадқиқот ишида айтилишича, «туризм – бу элементлари ўзаро полиерархик алоқалар ва муносабатлар тизими орқали боғланган, пировард натижаларга эришишда бевосита ташриф буюрувчиларнинг иштироки билан тавсифланадиган, тармоқлараро мажмуанинг кўп қиррали функционал тузилмаси негизида шаклланадиган, ҳамда ташқи муҳит ўзгаришига юқори таъсирчанликка эга очик мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимдир»². Берилган таърифларда туризмнинг объектив фаолият сифатида тадқиқ этилганини кўриш мумкин. Фикримизча, ушбу соҳа шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос маданий хусусиятларини инобатга олиш зарур.

Туризм масаласига фақатгина иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардангина эмас, балки фалсафий ёндашув ҳам зарурдир. Туризм фалсафий ўрганилганда гносеологик, аксиологик, эстетик ва маданиятшунослик назарияси асосида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Туризм маданиятининг фалсафий моҳияти шундан иборатки, унинг инсон фаолиятида амалий ҳаракатларга, реал воқеаларга асосланган эстетик-ҳиссий эмоционал хусусиятидир. Булар фориглантириш, тарбиявийлик, ҳузурбахшлилик ҳамда когнитив вазифаларидир. Туризмнинг когнитив функциясини қуйидагича изоҳлаш мумкин: бошқа давлатларнинг маданиятини ўрганиш, бошқа ҳудудлар ва мамлакатлар ўртасида маданиятлараро мулоқот вазифасини бажариш, маданият соҳасидаги ютуқларга кўмаклашиш, илмий фаолиятларни фаоллаштириш ҳамда шахсий мулоқотни уйғунлаштириш демакдир.

ЮНЕСКО томонидан 1985 йилда «Маданий туризм – инсонларнинг, шахсларнинг хилма-хилликка бўлган эҳтиёжларини қондириш, индивиднинг маданий савиясини кўтариш, билимлари ва тажрибасини ошириш ҳамда

¹Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс// Избранные труды. – Москва. Весь мир, 1997. – С. 75.

²Алимова М.Т. Туризм тизимига оид категорияларнинг илмий-назарий талқини ва таърифларини такомиллаштириш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – Тошкент. 2016: 6. июль-август, - № 4. – Б. 7.

танишиш учун қилган барча ҳаракатланишлари»¹, – деб изоҳланган. Туризм маданиятини амалий фаолият сифатида назарий-методологик тадқиқи унинг икки мустақил тушунча, «туризм» ҳамда «маданият»нинг ўзаро бирикувидан иборат ижтимоий-маданий аҳамиятга молик феномен эканлигидан далолат беради. Маданият инсон фаолиятининг маҳсули бўлса, туризм айнан моддий ва маънавий бойликларнинг истеъмолини, ўзга халқ вакиллари томонидан англанишини таъминловчи интеллектуал-эмоционал фаолиятдир. «Туризм маданияти» тушунчасида эса ўз-ўзидан бу икки тушунчанинг ўзаро уйғунлиги, яъни инсонларнинг турли жойларда сайр-томоша, дам олиш ва сайёҳликни ташкил қилишларидаги муайян маданият даражаси назарда тутилади.

Туризм серқирра фаолият сифатида турли ижтимоий-иқтисодий фанлар томонидан ўрганилади. Туризм эволюцияси бир неча минг йиллар давомида шаклланиб келаётган жараён ҳисобланиб, турли даврларда турли йўналишларга ажралган ҳамда шахслар ва турли халқлар ўртасидаги аксиологик, гносеологик, тарбияловчи, информатив, баҳолаш, регулятив функцияларини бажариб келган.

Гносеологик феномен сифатида туризмнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилар: 1) мақсад (қадриятлар) бўйича саёҳат қилиш; 2) эстетик-ҳиссий хусусияти; 3) олам, нарсаларнинг ўзлаштирилиши ҳамда когнитивлик.

Туризм маданияти маданий қадриятларни тарқатишда, кишилар тафаккури ва дунёқарашини ўзгартиришда, ҳар томонлама ривожланган инсонни тарбиялашда ўзига хос тарбияловчи функцияни бажаради. Туризм маданиятининг феноменологик мазмуни унинг ижтимоий-фалсафий ҳодиса сифатида жамият, шахс тараққиётига таъсир кўрсатиш жараёни билан изоҳланади.

Туризм маданиятининг гносеологик функцияси. Туризм асосан илмий билишнинг умумий хоссалари, қонуниятларини очишга хизмат қилади. Инсон дунёни илмий англашида туризмнинг ўрни катта. Туризмнинг гносеологик вазифаси шундан иборатки, инсон саёҳатлар жараёнида жойларнинг номлари, тарихий келиб чиқиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиши, хариталарни ўқиши, чизгилар тайёрлаши, кундалик ва саёҳат эсдаликларини ёзиб бориши мумкин ҳамда тарихий архитектура объектлари, турли халқларнинг урф-одатлари, анъаналари, маросимлари бўйича интеллектуал салоҳиятини ошириб, билим ва тажрибаларга эга бўлади. Бу эса инсонни ижтимоий-маданий ҳаётга мослашиш имконини беради.

Туризм маданияти ва унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти тўғрисида бир қатор ўрта аср ренессанс даври олимлари фикрлари ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти ривожланиш босқичларини тадқиқ этишда назарий методологик манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистонда туризм маданиятининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш мақсад қилинган ва ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда туризм маданияти категориясининг мазмун-моҳияти, луғатларда таърифланиши, бир

¹Greg Richards. «New directions for cultural tourism» In Tourism market trends. – USA - 2003 edition. – P.137.

сўз билан айтганда, ижтимоий-фалсафий таҳлилини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

– туризм масаласига фақатгина иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардангина эмас, балки фалсафий ёндашув ҳам зарурдир. Туризм фалсафий ўрганилганда гносеология, аксиология ва эстетика назариялари асосида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ;

– туризмнинг энг муҳим вазифаси – бу маданий функциясидир. Бу эса бошқа давлатларнинг маданиятини ўрганиш, бошқа ҳудудлар ва мамлакатлар ўртасида маданиятлараро мулоқот вазифасини бажариш, маданият соҳасидаги ютуқларга қўмаклашиш, когнитив жараёнларни фаоллаштириш ҳамда шахсий мулоқотни уйғунлаштириш демакдир;

– маданий туризм умумтуризмнинг бир кўриниши бўлиб, унинг бошқа барча соҳалари каби маданийлашиш жараёнига бевосита эҳтиёж сезади. Туризм маданияти маданий туризм тушунчасидан фарқ қилиб, ўзининг қамров доирасига кўра анча кенгдир. У туризмнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатади;

– туризм маданияти – умуммаданиятнинг бир қисми ҳисобланиб, инсоннинг табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий-маданий фаолиятдир;

– туризм маданияти сайёҳлик, сафар, зиёрат одоблари, меҳмондўстлик, диний ва миллатлараро тотувлик маданияти, экологик маданият ҳамда уларнинг ўзаро синтезлашуви орқали ҳосил бўладиган ижтимоий-маънавий фаолият шакли орқали намоён бўлади.

Хулоса қилганда, замонавий дунёда кадриятларнинг ўзгариши туризм маданиятининг ижтимоий-маданий йўналишларини аниқлашнинг энг муҳим шarti сифатида намоён бўлади. Кадриятлар ўзгариши маданий муносабатларни ўзгартирмоқда. Маданий тенденциялар шароитида улар фалсафий тадқиқотларда янги иқтисодиёт манбаи ва ривожланишнинг фаол асоси, янги фикрлаш манбаи сифатида кўриб чиқиладиган бўлди. Жамиятнинг маънавий ҳаётида туризм тобора кўпроқ татбиқ этилаётган турли хил ижтимоий муносабатлар, таълимотлар, динлар, ҳаракатлар билан амалга ошириладиган маданий ҳодисага айланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек туризм маданияти» ва унинг тарихий-маданий трансформациялашуви жараёнлари**» деб номланиб, унда ижтимоий макон ва одамнинг ҳаётий фаолиятини ўзгартириб турадиган глобаллашув давридаги ўзгаришларнинг кўлами ва динамикаси замонавий воқеликка мос келадиган ўзбек туризм маданиятининг замонавий назарий моделини яратиш тўғрисида сўз юритилган. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кечаётган янги тараққиёт муҳити туризм ва унинг миллий-ментал хусусиятларини глобал, минтақавий, маҳаллий муаммолар контекстидан келиб чиққан ҳолда янги изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбек туризм маданиятининг миллий-ментал хусусиятларини аниқлаш орқали мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, чегарадош давлатлар билан аҳил қўшничилик

муносабатларини янада ривожлантириш, узоқ хорижий давлатлар билан дипломатик муносабатларни яхшилашга эришилади.

Бугунги цивилизация ривожланишида маданий тўқнашувлар, сиёсий жараёнларни ҳисобга олиб, бир қатор олимлар томонидан туризмга миллий маданий тараққиётга салбий таъсир қилувчи омил сифатида қараб келинмоқда. Шу билан бирга туризмнинг миллий менталликка асосланмаганлиги бир қатор ижтимоий-сиёсий хавфларни келтириб чиқарувчи, кадриятларнинг йўқолиб боришига таъсир қилувчи омил эканлигини таъкидламоқдалар. Шунга қарамай, туризм бизнеси иқтисодий ривожланиш, инсоннинг ижтимоий жараёнларда фаол қатнашиши билан боғлиқ бўлган фаолият эканлигини таъкидлаш зарур.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида туризмнинг ижтимоий-маданий динамикаси инсоннинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим тури сифатида илмий тадқиқотлар объектига айланди. Бироқ, жамият тараққиётининг постиндустриал жамиятдан саноатлашган иқтисодиётга ўтиш босқичида туризмнинг миллийликка таъсири ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Шунини инобатга олиб, илмий тадқиқотлар «Ўзбек туризм маданияти»нинг миллий-ментал асосларини таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқармоқда. «Ўзбек туризм маданияти»нинг ижтимоий-маданий таҳлили, ўзбек халқининг миллий-менталлигини асослаш иқтисодий ривожланишнинг ўзбек моделини татбиқ этиш туризмни самарали бошқариш имкониятини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни диверсификациялаш, модернизациялаш, ранг-баранг ноанъанавий иқтисодий манбаларни излаб топиш ва уларни ҳаётга дадил татбиқ этиш ҳамда янгича ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда инновацион ғояларни кенг жорий этиш асосида мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштириш, куч-қудрати ва салоҳиятини юксалтириш бугунги кунда жамиятимиздаги энг устувор вазифалар сирасига мансубдир.

Таъкидлаш жоизки, XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида туризмнинг ижтимоий-маданий динамикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг энг муҳим тури сифатида илмий тадқиқотлар объектига айланди ва бу саноатни постиндустриядан саноатлашган иқтисодиётга ўтиш даврида туризмнинг ижтимоий воқеликнинг деярли барча жабҳаларида таъсири ортиб бориши билан изоҳланади. Ўзбек туризм маданияти асрлар давомида шаклланган миллий, ментал, иқлим, дин, иқтисодий омиллар асосида шаклланган сафар, саёҳат, зиёрат одоблари ва кўникмаларини ўз ичига оладиган яхлит тизимдир.

Ўзбек туризм маданияти халқимизнинг миллий мустақилликни қўлга киритиши билан глобал дунёнинг фаол иштирокчисига айланиб бориши жараёнида туризмнинг замонавий хусусиятларини ўзига қабул қилиб, бойиб бораётган жараёндир. Ўзбек туризм маданияти қуйидаги омиллар асосида шаклланиб келган:

- юртимизнинг турли хил тарихий маданий обидаларга бойлиги;
- алломаларимизнинг юксак маънавият соҳиби эканлиги;

- ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги;
- ёшларнинг ўлкашуносликка оид билимларининг ривожланиши;
- зиёратгоҳларнинг маънавий-руҳий таянч бўлиши.

Мамлакатимизга халқаро туристларни кенг оммасини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини инобатга олган ҳолда, маҳаллий аҳолини туристик онги ва маданиятини шакллантириш, миллий анъаналаримизни ривожлантириш, меҳмондўстлик каби миллий қадриятларимизни юксак даражага олиб чиқиш йўналишларига катта аҳамият берилди. Глобаллашув даврида ўзбек халқи туризм маданиятига жиддий таъсир кўрсатадиган ва унинг аслиятини белгилайдиган омиллардан бири аجدодларимизнинг туризм, зиёрат, сафар этикасига оид қарашларидан ёшларни бохабар қилишдир.

«Ўзбек туризм маданияти»ни асосан мавсумий байрамлар орқали ривожлантириш мумкинлигини кўришимиз мумкин. Халқимиз тоғ сайлига йилнинг турли фаслида чиқишган. Ёшлар: а) баҳорда тоғ лоласи очилганида; б) ёзнинг жазирама кунларида ҳаво алмаштириш ниятида; в) куз фаслида «дўлана сайли»га; г) қиш фаслида «қор сайли»га чиқишган. «Тоғ сайли»га одатда, оилавий ёки тенгдошлар йиғилишиб чиқиши анъана бўлган. Ёшлар тоғ этагида ўйин-кулгу қилишган, ўз кучига ишонганлар тоғ чўққисига кўтарилганлар. Улар тоғ чўққисида туриб, дилларидаги ниятларини айтишган. Ўзлари билан олиб чиққан идишларда тоғ чўққисидан пастга қолганларга қор олиб тушишган¹. Шунини айтиш керакки, ўзбек туризм маданияти асрлар давомида шаклланиб келган, бу жараёнлар байрамлар, халқ ўйинлари, урф-одатлар, зиёрат билан боғлиқ бўлган бугунги кун туризмидир. Туризмнинг бундай кўриниши фақатгина мавсумий давом этишини англатади. Бу эса ўзбек туризми олдидаги муаммолардан биридир. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун аввало уни йилнинг ҳар фаслида изчил давом эттиришни таъминлашдир.

Туризм маданияти аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, хизматлардан бемалол фойдаланиши учун тегишли шароитларни яратиб беради. Одамларнинг кўришни истаган жойларини кўрсатади, дам олишини таъминлайди ва бошқа кўнгилочар тадбирларни ташкил қилади.

Туризм маданияти амалиёти аҳолини моддий ва маънавий неъматлар билан етарли даражада таъминланиши билан бирга аҳоли яшаётган мамлакатда тинчлик, хотиржамлик ва адолатнинг ҳукм суришини таъминлашни талаб қилади ва бунга маълум маънода хизмат қилади.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Ўзбекистонда туризм маданиятини ривожлантиришнинг истикболлари ва муаммолари**» деб номланиб, унда янги ривожланиш даврида мамлакатимизда туризмни ҳар томонлама ривожлантириш учун бу соҳада илғор хорижий тажрибаларни жорий қилиш омиллари кўрсатилган. Чунки охириги йилларда бўлиб ўтган чуқур ўзгаришлар туристик соҳани ҳам четлаб ўтмади. Унга ҳам талаб, ҳам таклиф томонларидан ўз таъсирини ўтказди. XX асрнинг 90-йиллари бошларида

¹Усмон Ҳосил. Одатнома. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. – Б. 259-260.

кашф қилинган ва қўлланилган кўпгина инновациялар мазкур соҳанинг туб ўзгаришларига сабаб бўлди. Жумладан, географик жойлардаги туристик оқимларнинг моҳияти ва хусусиятларида, саёҳат давомида туристнинг хулқ-атворида, туристик хизматлар таклиф тизими ва туристик тижорат-воситачилик фаолиятларида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражасининг ошиши оқибатида туризм оммавий тус олиб миллионлаб кишиларни ўзига жалб қилди. Кўп мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш, олдин туристик оқимни вужудга келтирувчи жой деб тан олинмаган мамлакатларда ҳам «янги туристик талаб» шакллана бошланиб, улар умумий туристик талабнинг бозордаги кўламини кенгайтиришга олиб келди.

